

Яқинларга уй ишларида ёрдам беринг!



16:00 / 29.02.2024 16727

Кўпчилик эркаклар уй юмушларини ўзидан паст бўлган бир нарса деб билишади. Баъзи эркаклар эса агарда аёлига ёрдам берса бу уларнинг мавқеига ва обрўсига путур етказди деб ўйлайди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ўз кийимларини ўзлари ямаган пайтлари, ковушларини тузатган пайтлари ва бошқа эркаклар ўз уйида қиладиган турли ишларни қилардилар».**

(Имом Аҳмаднинг Муснаддаги ривояти, 6/121, Саҳиҳул Жомеъ, 4927)

Оиша розияллоҳу анҳодан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларида нима қилишлари ҳақида сўралганда, у киши фақат кўрганлари ҳақида гапириб берардилар.

Бошқа ривоятда шундай деганлар: «У киши соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қандай бошқа одам каби эдилар: кийимларини тозалар эдилар, қўйларини соғар эдилар ва ўз юмушларини ўзлари бажарар эдилар».

(Имом Аҳмаднинг Муснаддаги ривояти, 6/256; Ас-Силсилатус Саҳиҳа, 671).

Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларида нима қилганлари ҳақида сўралганда: «Оилалари тўғрисида ғамхўрлик қилар эдилар, намоз вақти кирганда, намозга чиқар эдилар», - деб жавоб берганлар.

(Бухорий ривояти, Фатҳ, 2/162).

Агар биз юқоридагиларни амалда бажара олсак уч нарсага эга бўламиз:

- Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ибратларига эргашган бўламиз.
- Биз аҳли аёлимизга ёрдам берган бўламиз.
- Биз ўзимизни гердайган эмас, балки хоксорроқ ҳис қилар эдик.